

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Рўйхатга олинди

«Тасдиқланди»
Ўқув-услубий бошқарма бошлиғи
доц. Усмонов Б.Б.

№ _____

« ____ » _____ 2012 йил.

« ____ » _____ 2012 йил.

“СЕРВИС” КАФЕДРАСИ

**МАРКЕТИНГ(ТУРИЗМ), ТУРИЗМ (МЕҲМОНХОНА ВА РЕСТОРАН
ХЎЖАЛИГИ) МАГИСТРАТУРА МУТАХАССИСЛИГИ БЎЙИЧА
МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯЛАРИНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ
ҲАМДА УНИ БАҲОЛАШ БЎЙИЧА**

УСЛУБИЙ КЎРСАТМА

Тошкент – 2012

“ТАВСИЯ ЭТИЛГАН”

“Сервис” кафедраси мудири _____ и.ф.н., доц. О.Хамидов
(кафедра йиғилишининг № _____ сонли баённомаси
« _____ » _____ 2012 й.)

Тузувчилар:

Хамидов О.Х.- ТДИУ, “Сервис” кафедраси мудири, иқтисод фанлари номзоди, доцент.

Сафаева С.Р. – ТДИУ, “Сервис” кафедраси доценти, иқтисод фанлари номзоди.

Такризчилар:

Алимов Қ.А. - ТДИУ касаба уюшмаси раиси, иқтисод фанлари доктори, профессор.

Абдувоҳидов А.М. – ТДИУ, «Туризм» кафедраси профессори, иқтисод фанлари доктори.

Услубий кўрсатма Тошкент давлат иқтисодиёт университети Илмий кенгашининг 2012 йил _____даги _____-сонли қарорига мувофиқ ўқув жараёнига татбиқ этиш учун тавсия этилган.

© Иқтисодиёт, 2012

1. Умумий қоидалар

Тошкент давлат иқтисодиёт университети магистратура талабалари ўз таҳсилини магистрлик диссертациясини ёзиш ва ёқлаш билан якунлашлари лозим. Магистрлик диссертацияси университет таҳсилининг натижаларини кўрсатувчи, талабанинг назарий ва амалий билимларини умумлаштириб, илмий тадқиқот яратиш малакасини мужассамлантирувчи ижодий намунасидир. Магистрлик диссертацияси битирувчининг дунёқараши, илмий-ижодий салоҳияти, мустақил ва эркин фикр юритиш қобилияти, ёзма нутқ маданиятини ҳам яққол намоёниш этишга хизмат қилади. Магистрлик диссертациялари илмий-сиёсий савияси, ҳаётий-амалий аҳамияти жиҳатидан фан номзодлиги диссертациясига яқин ва олий ўқув юртлари диплом ишларидан баланд даражада туриши керак. Ҳар бир магистрлик диссертацияси мавзуси амалиёт билан, талабанинг меҳнат фаолияти, ихтисоси ва иш жойи, факультет хусусиятлари билан чамбарчас боғлиқ бўлмоғи даркор. Мавзулар, ифода тарзига кўра, аниқ конкрет бўлиши, кафедраларо такрорланишларга йўл қўйилмаслиги лозим. Магистрлик диссертацияси менежмент фаолиятини давлат томонидан тартибга солишда инфратузилма менежменти муаммоларини ёритиши, мустақил Ўзбекистон Республикаси сиёсатига мувофиқ, миллий мустақиллик мафкурасини илгари сурадиган равишда битилмоғи зарур. Ана шу асосий тамойиллардан келиб чиқиб, магистрлик диссертациялари олдига қўйиладиган талабларни акс эттирувчи ва янги 2012-2013 ўқув йилига университетнинг тайёргарлик ҳолати ва навбатдаги устувор вазифалар тўғрисидаги университет 29 август 2012 йил Илмий Кенгаши қарори асосида яратилди. Магистрлик диссертацияси илмий ёки илмий - техник мазмунли, тугалланган ва аниқ илмий натижага эга бўлган, танланган мавзу бўйича бажарилган битирув иш сифатида кўрилиб, у фан, техника, технология ва иқтисодиёт ривожланишининг замонавий даражасига мос бўлиши лозимдир.

2. Магистрлик диссертациясининг мақсади

Магистрлик диссертациясининг асосий мақсади Университет талабаларида илмий изланиш кўникмаларини такомиллаштириш ва илмий тадқиқот яратишдан иборатдир. Талабалар магистрлик диссертациясини ёзиш жараёнида, таҳсил мобайнида олган билимларини умумлаштиришга, унинг натижаларини илмий равишда акс эттиришлари лозим. Магистрлик диссертацияси талабаларнинг дунёқарашлари, билим - савиялари, илмий умумлашма фикрларини ёзма шаклда саводли ифодалашларини тақозо этади. Магистрлик диссертациясида танланган мавзу бўйича муаммолар кўрсатилиб, унинг ечимлари таҳлил қилинган бўлиши керак. Шунинг учун, барча талабалар магистрлик диссертациясини ёзишлари шарт. Магистрлик диссертацияси олдига қўйилган мақсадни имтиҳон ёки бошқа бирор синов тури бажара олмайди.

3. Магистрлик диссертациясининг вазифаси

Танланган мавзунинг назарий-амалий муаммоларини ёритиш магистрлик диссертациясининг асосий вазифасидир. Магистрлик диссертацияси талабанинг Университет даргоҳида олган билимлари натижасини ифодалаш зарур. Магистрлик диссертациясида талабанинг назарий қарашлари, унинг меҳнат фаолияти самаралари билан муштарак равишда мужассамлашмоғи даркор. Бугунги кун талабларигина эмас, балки истикбол мақсадларига ҳам хизмат қилиш магистрлик диссертациясининг олий вазифасидир.

4. Магистрлик диссертациясининг мавзуси

Мавзуда танланган муаммо долзарб, аниқ, равшан ифодаланган бўлиши керак. Талабанинг тор ихтисосидаги долзарб муаммолар магистрлик диссертацияси мавзусига асос бўлади. Магистрлик диссертацияси мавзуси илмий тадқиқот институтлари ва олий ўқув юртларида ишланаётган мавзулар билан такрорламаслиги лозим. Мавзуни талабанинг ўзи мустақил ёки тегишли соҳа мутахассислари, илмий раҳбар билан бамаслаҳат танлайди ва мазкур мавзу бўйича диссертация ёзиш қарори, тегишли илмий раҳбар бириктириб қўйилиши ҳақида кафедра мудирини номига ариза ёзиб мурожаат қилади. Магистрлик диссертацияси мавзуси кафедрада муҳокама қилиниб, тасдиқланади. Мавзу, ўқув йилининг дастлабки ойларидаги кафедра кенгашида муҳокама қилиниб, тасдиқланади. Магистрлик диссертациясининг намунавий мавзулари 8-иловада келтирилган.

5. Магистрлик диссертациясининг мазмуни

Туризм ва сервис соҳасида маркетинг тадқиқотлари, маркетинг стратегияси, инновацион маркетинг йўналишлари, талаб ва таклиф мувозанати ва ушбу соҳада ҳосил бўлаётган энг долзарб муаммоларнинг янгича, ёрқин илмий таҳлили, ечимлари магистрлик диссертациясининг мазмунини ташкил этиши керак. Магистрлик диссертациясининг ғоявий мазмуни Ўзбекистон Республикасининг давлат сиёсати, миллий мустақиллик мафкураси билан суғорилган бўлиши лозим. Магистрлик диссертациясининг савияси юқори бўлиши зарур. Битирувчи магистрлик диссертациясида саёз фикрлашдан, қайтарилишлардан, сиёсий-ғоявий нуқсонлардан, кўчирмакашликдан сақланиши талаб қилинади. Магистрлик диссертацияси Университет битирувчисининг илмий-ижодий маҳсули сифатида қаралади.

6. Магистрлик диссертациясининг ҳажми

Магистрлик диссертациясининг ҳажми 10 минг сўздан кам бўлмаслиги ва 1,5 ораликда 14 шрифтли компьютер ёзувида 60-80 саҳифадан иборат бўлишлиги лозим. Агар магистрлик диссертацияси талаб қилинган ҳажмда бажарилган бўлса-ю, унда илмий янгилик бўлмаса, диссертация амалиёт ва битирувчининг меҳнат фаолияти билан боғланган бўлмаса, диссертациянинг мазмуни саёз бўлиб, қайтаришлар, кўчирмалар мавжуд бўлса, диссертация қайта ишланиб. Услубий кўрсатма талаблари даражасига етказилмагунча

муҳокамага қабул қилинмайди. Адабиётлар рўйхати ва иловалар диссертация ҳажмининг ҳисобига кирмайди.

7. Магистрлик диссертациясининг таркибий тузилиши

Академик битирувчисининг магистрлик диссертацияси таркибий жиҳатдан Олий аттестация комиссиясининг илмий тадқиқотлар учун яратилган андозасига мувофиқ бўлиши керак. Зотан, бу ишлар илмий тадқиқот яратишга тайёргарлик, ҳатто, уларнинг баъзилари чинакам илмий тадқиқот даражасида ёзилади. Магистрлик диссертацияси кириш, асосий қисмни ташкил этувчи 3-та боб (1-илова), хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати (2-илова) ва илова қисмларидан иборат бўлади (3-илова).

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, уни ўрганилганлик даражаси, ишнинг мақсад ва вазифалари, унинг объекти ва предмети, илмий янгилиги, амалий аҳамияти, натижаларни асословчи бандлар ва ишнинг тузилиш таркиби каби масалалар бўлиши зарур.

Магистрлик диссертациясининг биринчи бобида тадқиқотнинг илмий, услубий ва назарий жиҳатлари ёритилиши лозим бўлиб, унда тадқиқот олиб борилган объектнинг батафсиллаштирилган таснифи келтирилиши зарурдир.

Иккинчи бобда эса, магистрлик диссертациянинг, танланган мавзу асосида, ўрганилаётган масалаларни амалий жиҳатдан ўрганиб, таҳлил қилиш ва мавжуд муаммоларни аниқлаш талаб этилади.

Учинчи бобда муаллиф томонидан ўрганиб чиқилган маълумотларни таҳлил этиш асосида аниқланган муаммоларни ҳал этиш йўллари ва ўрганилаётган объектни такомиллаштириш бўйича кўрсатма, услубий ёндошув, тавсиялар ишлаб чиқилади ҳамда илгари сурилаётган таклиф ва мулоҳазалар асосланади.

Магистрлик диссертациянинг хулоса ва таклифлар қисмида амалга оширилган ишларнинг натижаларидан келиб чиққан ҳолда амалий тавсияномалар берилиши мақсадга мувофиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхатида (давлат қонунлари, Президент фармонлари, асарлари, ҳукумат қарорлари ва бошқа адабиётлар алфавит кетма-кетлигида берилади) магистрлик диссертация бўйича ишлатилган манбалар рўйхати талаб асосида берилади.

Иловалар қисмида диссертация ишининг объекти бўйича олинган амалий ва услубий маълумотлар келтирилади.

8. Магистрлик диссертациясининг шакли ва ўлчами

Магистрлик диссертацияси битирувчи томонидан А-4 форматидаги оқ қоғозга компьютерда графикасида, саводли ёзилган, муқоваланган ҳолатда топширилади (4-иловага қаранг). Магистрлик диссертацияси 2 нусхада: бир нусха иш бажарилган кафедрага, бир нусха Университет ахборот-ресурс марказга тақдим этилади. Ахборот-ресурс марказга диссертация (Университет илмий-маърифий жамоаси ва талабалар танишиб улгуришларига имконият яратиш мақсадида) ҳимоядан 10 кун олдин топширилади. Магистрлик диссертациясининг титул варағида Университет номи, диссертация

бажарилган кафедранинг номи, мавзу, илмий раҳбар, илмий даражалари, битирувчининг исм-фамилияси, диссертация бажарилган амалиёт жойи ва йили тўлиғича акс эттирилади (5-иловага қаранг)

9. Магистрлик диссертациясининг ёзилиши ва услубияти

Талабаларнинг магистрлик диссертациялари, асосан, ўзбек ва рус тилларда ёзилади, баъзи ҳолларда чет тилларда (инглиз, немис, француз) ҳам ёзилиши мумкин.

Агар талаба диссертацияни чет тилида ёзмоқчи бўлса, бу кафедра кенгашида муҳокама қилиниб, тасдиқланиши шарт. Чет тилида ёзилган магистрлик диссертацияга ўзбек тилида ёзилган ва уни мазмунини акс эттирувчи аннотация тақдим этилиши керак.

Чет тилларда (инглиз, немис, француз) ёзилган магистрлик диссертацияларига қўшимча баллар қўйиш мумкин. Диссертациянинг тили тиник, тушунарли, грамматик ҳато ва камчиликлардан ҳоли бўлиши керак. Магистрлик диссертацияси ҳам илм кишилари, ҳам амалиётчилар қабул қиладиган услубда яраталиши муҳим.

10. Магистрлик диссертациясининг ҳаётга татбиқи

Магистрлик диссертацияси битирувчининг назарий билимлари ҳамда ҳаётий тажрибаси, амалий меҳнат фаолияти сабоқлари асосида вужудга келади. Бундан ташқари, битирувчи магистрлик диссертациясини ёзиши ва ҳимояга тайёрлаши жараёнида назарий фикр ва хулосаларини ҳаётга татбиқ этиб бориши, яъни илмий-оммабоп газета-журналларда мақолалар эълон қилиши ёки магистрлик диссертацияси ечимларини ишлаб чиқаришга татбиқ этиб бориши лозим. Магистрлик диссертациялари натижаларини матбуотда эълон қилган ёки ишлаб чиқаришга татбиқ эта олган битирувчилар меҳнати, ҳимоя вақтида эътиборга олинади.

11. Илмий раҳбар

Илмий раҳбар мавзу танланишидан тортиб, ҳимоя жараёнининг охиригача битирувчига йўл-йўриқ, кўрсатмалар бериб, магистрлик диссертацияси тайёрланишининг сифати, савияси ва илмийлигига муаллиф билан баробар жавоб беради. Илмий раҳбар, асосан, кафедра устоз - мураббийлари доирасидан танланади. Шунингдек, илмий раҳбар кафедрадан ташқаридаги илмий тадқиқот институтларидан, олий ўқув юртларидан, давлат бошқаруви идоралари ва ишлаб чиқариш корхоналаридан ҳам таклиф этилиши мумкин. Кафедра доирасидаги икки ўқитувчи ёки кафедра ташқарисидаги мутахассислар биргаликда бир битирувчининг магистрлик диссертациясига ҳамраҳбарлик қилишлари мумкин. Раҳбарларнинг бирини назарийчилардан, иккинчисини амалиётчилардан белгилаш мумкин. Илмий раҳбар магистрлик диссертацияси ҳақидаги хулосаларини ҳимоядан 3 кун олдин ҳимоя ҳайъатига ёзма равишда тақдим этиши лозим (6-иловага қаранг).

12. Оппонентлар

Ёқланадиган магистрлик диссертациясига битта оппонент ва битта ташқи эксперт белгиланади. Оппонентлар кафедра устоз-мураббийлари таркибидан ва ташқаридан етук тадбиркорлар ҳамда соҳада фаолият кўрсатиб келган тажрибали мутахассислар ичидан танланади. Оппонентнинг магистрлик диссертацияси ҳақидаги тақризи ҳимоядан камида 3 кун олдин ёзма равишда, ишлаб чиқариш муассасаларнинг муҳри билан тасдиқланган ҳолатда, ташқи экспертнинг хулосаси билан ҳимоя хайъатига тақдим этилиши лозим (6-иловага қаранг). Тақриз ҳажми икки оралик босмада 2-3 бетдан кам бўлмаслиги, унда магистрлик диссертациясининг моҳияти, ютуқ ва камчиликлари диссертацияни баҳолаш мезонларига мос ҳолда ёритилган бўлиши муҳим.

13. Муаллифлик

Магистрлик диссертацияси мустақил илмий-амалий тадқиқот ҳисобланади. Унда кафедра битирувчисининг мустақил илмий-ижодий фаолияти, шахсий дунёқараши, ижтимоий-сиёсий, маънавий қиёфаси, илмий-маърифий етуқлик даражаси, фалсафий тафаккур қобиляти ва инсоний саводхонлиги яққол намоён бўлиши керак. Шунинг учун ҳам магистрлик диссертацияси индивидуал изланиш ва ижодий меҳнат маҳсули ҳисобланади. Магистрлик диссертациялари ҳаммуаллифликда бажарилмайди. Уни ҳар бир битирувчи алоҳида ўзи ёзади. Агар магистрлик диссертацияси ёзилиши, ҳимояси жараёнида мазкур иш бошқа бирор тадқиқотни такрорлаётгани ёхуд ундан ўзлаштирилганлиги аниқланса, битирувчининг муаллифлик ҳуқуқи бекор қилинади.

Магистратура талабаси диссертациядаги илмий масалани ечилиши бўйича:

- танланган мавзунинг долзарблигини илмий асослаши;
- тадқиқотнинг мақсади ва вазифаларини аниқ ифода этиши;
- тадқиқотнинг предметини, объектини аниқлаши ва таърифлаши;
- тадқиқот усули ёки услубларни танлаши;
- танланган мавзу бўйича илмий, амалий ва услубий таҳлил қилиши;
- олинган хулосаларни шакллантириши, натижаларни баҳолаши ва аниқ таклифларни киритиши керакдир.

14. Магистрлик диссертациясининг ҳимоя қилиш жараёни

Талабаларга ўқиш давомида олган билимларини мустаҳкамлаш, келгусидаги ишлари учун амалиёт, ташкилотчилик, бошқариш ҳамда меҳнатни илмий ташкил қилиш кўникмаларини ҳосил қилиш ва магистрлик диссертацияси ишлари учун керакли материалларни тўплаш учун корхоналарга 8 ҳафталик малакавий амалиётга юборилади. Амалиёт шахсий режа асосида амалга оширилади. Талабаларнинг малакавий амалиёт ҳисоботи кафедрада муҳокама қилингандан сўнг магистрлик диссертацияси ҳимояга қўйилади.

Магистрлик диссертацияси махсус тузилган ҳимоя хайъати қошида ҳимоя қилинади. Ҳимоя хайъати таркибида ҳар бир тор соҳалар бўйича камида 3 та мутахассис қатнашиши кўзда тутилган ҳолда тузилади ва университет илмий кенгаши томонидан тасдиқланади. Магистрлик диссертацияси кафедра

мажлисида ёки ўзаро ихтисоси яқин кафедраларнинг қўшма йиғилишида муҳокама этилгач, ушбу йиғилишнинг ҳимояга тавсия ҳақидаги мажлис баённомаси ҳамда илмий раҳбарнинг ёзма хулосаси асосида ҳимоя ҳайъати магистрлик диссертациясини тугалланган иш сифатида қабул қилади. Ҳимоя ҳайъати диссертация муҳокама этган кафедра таклифини ҳисобга олган ҳолда оппонентларни тайинлайди, шунингдек, ҳимоя кунини белгилаб, ҳимоя жараёни учун шароит яратади. Ҳайъат ҳимоя жараёнини қизғин, эркин мунозара, фикр алмашув руҳида ўтишини таъминлайди. Ҳимоя жараёнини ҳимоя ҳайъати раиси ва котиби ташкил қилади ва бошқаради. Ҳимоя жараёнида ҳимоя ҳайъати котибининг расмий маълумотномаси, илмий раҳбарнинг хулосаси, битирувчининг магистрлик диссертацияси асосида тайёрлаган маърузаси, расмий оппонент ва ташқи эксперт тақризлари тингланади. Расмий оппонентнинг, ҳимоя вақтида шахсан иштирок этиши мақсадга мувофиқ.

Ташқи эксперт хулосаси салбий бўлган ҳолда, кафедра мутахассислари иштирокида 3 кишидан (2 киши ташқаридан ва 1 киши кафедрадан) иборат махсус эксперт гуруҳи тузилади. Эксперт гуруҳи ишни ҳамда ташқи эксперт тақризини ўрганади ва ёзма равишда хулоса беради. Махсус эксперт гуруҳи ташқи экспертнинг салбий тақризини маъқулламаган ҳолатда, эксперт гуруҳи хулосаси ташқи тақризчига етказилади ва ташқи экспертнинг баҳоси инобатга олинмайди. Махсус эксперт гуруҳи ташқи тақриз хулосаларини маъқуллаган ҳолатда, талаба эксперт гуруҳи хулосасига кўра ташқи эксперт тақризида кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш учун ҳимоя жадвалидан олиниб, ҳимоя учун буйруқ асосида қўшимча кун белгланади. Иш тайёр бўлгач, аввалги ташқи экспертга (махсус эксперт хулосасига кўра лозим бўлса, бошқа ташқи экспертга) қўшимча тақриз учун юборилади. Иш яна салбий бўлган ҳолда, магистрлик диссертациясининг ҳимояси ўтказилмайди.

Ҳимоя жараёни асосида ҳайъатнинг баённомаси тузилади. Ҳимоя жараёни билан боғлиқ ҳужжатларни ҳимоя ҳайъати котиби юритади ва бу ҳужжатлар кейинчалик сақланади. Устоз-мураббийлар ва талабаларнинг норасмий оппонент сифатидаги чиқишларига ҳам имконият берилади. Лекин чиқишларнинг сунъий равишда қўп уюштирилишига йўл қўйилмайди. Савол-жавоб ва мунозаралардан сўнг ҳимоя якунланади.

15. Магистрлик диссертациясининг баҳоланиши

Магистрлик диссертацияни баҳолаш ташқи эксперт, тақризчи, ҳимоя ҳайъати аъзоларининг берган баллари асосида амалга оширилади.

Барча талабаларнинг ҳимояси тугагач, ҳайъат аъзолари ҳимоя натижаси бўйича ҳар бир диссертация ҳимояси бўйича баҳолаш балларини аниқлаб, асослаб берадилар. Ҳайъат раиси ушбу балларнинг ўртачасини чиқариб умумлаштиради.

Талабанинг умумий бали 55 дан паст кўрсаткичга эга бўлса, магистрлик диссертацияси ҳимоя қилинмаган ҳисобланади. Бундай ҳолда, Университет ректори диссертацияни кейинги йилда ҳимояга қўйиш масаласини ҳал қилади. Ҳар бир ҳимоя куни якунида натижалар эълон қилинади.

16. Магистрлик диссертациясининг очик ҳимоясини ўтказиш ва баҳолаш тартиби

Магистрлик диссертациясининг ҳимояси илмий мунозара характерига эга бўлиб, ўта талабчанлик ва қатъият билан илмий мулоқот одобига риоя қилган ҳолда ўтказилади.

Кичик илмий махсус кенгаш раиси диссертация ҳимояси вақтида мавзунинг номи, муаллифнинг исми-шарифи, шунингдек, бошқа зарурий ҳужжатларнинг мавжудлиги ҳақида ахборот бериб, магистрнинг “таржимаи ҳоли”, унинг ўзлаштириши, агар мавжуд бўлса, чоп этилган мақолалари ва бошқалар тўғрисида қисқа тавсиф беради.

Сўнг сўз илмий раҳбарга берилади. Илмий раҳбар магистрантнинг тадқиқот иши юзасидан ўз хулосасини ва бошқа шахсий жиҳатлари ҳақида ўз мулоҳазасини билдиради. Агар илмий раҳбар ҳимояга кела олмаса, унинг хулосаси КИМК аъзоларига ўқиб эшиттирилади.

Сўнг маъруза учун сўз магистрга берилади. У аввалдан тайёрлаб келган ёзма маъруза асосида 15 дақиқа давомида ишнинг асосий мазмунини гапириб беради.

Маъруза диссертация мавзуси бўйича кириш, методология, натижалар ва тавсияларни ўз ичига олади.

Магистрант КИМК аъзолари диққат-эътиборини асосан ўтказилган тадқиқотнинг якуний натижаси, шахсан ишлаб чиққан янги назарий ва амалий йўл-йўриқларга қаратмоғи керак. Маъруза чоғида барчанинг эътиборини зарур ҳолларда қўшимча тайёрланган слайд, жадвал ва графикларга қаратиш мақсадга мувофиқдир.

Нафақат нутқ матнининг мазмуни, балки уни ўқиб ёки гапириб бериш, берилган саволларга ишончли, дадил жавоб бериш, эркин нутқ сўзлаш қоидаларига риоя қилиш ҳам маълум даражада ҳимоя даражасини аниқлайди. Магистрантнинг нутқи нафақат тушунарли бўлиши, шунингдек ифодали бўлиши ҳам зурур.

Магистрант маърузасидан сўнг КИМК раиси расмий тақризчининг бажарилган диссертацияга берган тақризини ўқиб эшиттиради ҳамда тақризда кўрсатилган таклиф ва мулоҳазаларга ўз муносабатини билдириш ва саволларга жавоб бериш учун магистрантга сўз беради.

Шундан сўнг КИМК аъзолари томонидан муҳокама ва илмий мунозара бошланади. КИМК аъзолари диссертацияга дахлдор бўлган муаммолар, тадқиқот усуллари бўйича исталган саволларни оғзаки тарзда бериб, тадқиқот жараёни ва бажарилган амалий ишлар натижаларини аниқлашлари мумкин.

Бериладиган жавоблар масаланинг моҳиятига тааллуқли бўлиши, магистрант берилган саволларга камтарлик ва хушмуомалалик билан жавоб бериши лозим.

Саволларга жавоб беришдан олдин уни диққат билан эшитиб, ёзиб олиши зарур. Барча саволларни эшитиб, сўнг жавоб бергандан кўра, ҳар бир саволга дарҳол жавоб берилгани маъқулроқ.

Мунозара тугагач, магистрант хоҳишига кўра унга якунловчи сўз берилади.

КИМК аъзоларининг ёпиқ йиғилишида ҳимоя якуни кўрнб чиқилади ва уни баҳолаш тўғрисида қарор қабул қилинади. Мазкур қарор хайъат аъзоларининг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар сони тенг бўлган тақдирда раиснинг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

Сўнг КИМК раиси барча иштирок этувчиларга ҳимоя натижасини маълум қилиб, ҳимоя қилувчига магистр академик даражаси берилганлигини билдиради ва йиғилишни ёпиқ деб эълон қилади.

Дастлабки ҳимоядан ўтмаган ёки ҳимояга тавсия этилмаган ҳар қандай диссертация “тугалланмаган” деб, шунингдек дастлабки ҳимоядан ўтган, бироқ очик ҳимоядан четлатилган диссертация “ҳимоя қилинмаган” деб ҳисобланади.

17. Магистрлик диссертацияси натижалари

Чинакам илмий-иждоий иш сифатида ёзилган магистрлик диссертацияларининг муаллифлари мазкур тадқиқотларини такомиллаштириш мақсадида аспирантура ёки тадқиқотчи сифатида тавсия этилади. Яхши ёзилган магистрлик диссертацияларини алоҳида китоб ҳолида ёхуд ихчамлаштириб, йирик мақола сифатида Университет режаси асосида нашр эттириш кўзда тутилади. Юқори даражада магистрлик диссертацияси ёзган битирувчилар келгуси иш фаолиятлари ривожини учун муҳим имтиёзга эга бўладилар.

МУНДАРИЖА

	КИРИШ.....	2
I-БОБ.	ТУРИЗМ ИНФРАТУЗИЛМАСИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ.....	7
1.1.	Туризм тузилмаси мажмуасининг назарий асослари.....	7
1.2.	Туристтик хизматларнинг хусусиятлари.....	25
1.3.	Туризм инфратузилмасининг таркибий қисмлари.....	43
II-БОБ.	ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА ТУРИСТИК ХИЗМАТЛАРНИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ ВА УНИНГ ТАҲЛИЛИ.....	50
2.1.	Туризм инфратузилмаси ривожланишининг иқтисодий кўрсаткичлар тизими.....	50
2.2.	Ўзбекистонда туристик дестинациялар ҳолати таҳлили.....	57
2.3.	Туризм инфратузилмаси ривожланишининг иқтисодий кўрсаткичлар тизими.....	62
III- БОБ.	ЎЗБЕКИСТОНДА ТУРИЗМ СОҲАСИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ.....	72
3.1	Ўзбекистонда туристик хизматларни такомиллаштириш хусусиятлари.....	72
3.2.	Туризм инфратузилмасини ривожлантиришни прогнозлаш йўллари.....	75
	Хулоса ва таклифлар.....	79
	Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	81

Намуна

Фойдаланилган адабиётлар

- I. Қонунлар, бошқа ҳуқуқий, сиёсий ҳужжатлар
- II. Китоблар ва рисоалар
- III. Рўзномалар ва журналлардаги мақолалар
- IV. Диссертациялар, авторефератлар
- V. Статистик тўпламлар ва Интернет манбалари.

**Ўзбекистонда туризм инфратузилмасининг ЯИМдаги ҳиссаси (%
ҳисобида)**

<i>Кўрсаткичлар</i>	<i>2006</i>	<i>2007</i>	<i>2008</i>	<i>2009</i>	<i>2010</i>	<i>2011</i>	<i>Ўзгариш (+,-)</i>
Ялпи ички маҳсулот	100	100	100	100	100	100	
Бозор инфратузилмасининг ЯИМдаги улуши	8,9	5,3	5,2	9,0	9,6	10,9	+2,0
Шу жумладан:							
Савдо-воситачилик	1,1	1,2	1,3	1,3	1,4	1,8	+0,8
Маълумотлар	0,2	0,1	0,1	0,2	0,3	0,5	+0,3
Молия-кредит	3,6	2,8	2,6	6,2	6,5	6,9	+3,3
Ташқи иқтисодий	0,08	0,09	0,09	0,1	0,2	0,4	-0,32
Иқтисодий-ҳуқуқий	1,0	1,05	1,08	1,2	1,2	1,3	+0,3
Олдинги йилга нисбатан реал ЯИМ ўсиши, фоиз	-0,9	1,7	5,2	4,3	4,4	4,0	

Манба: Ўзбекистон Республикаси статистика қўмитаси маълумотлари

А-4 ўлчами ёзув қоғозига Магистрлик диссертациясини ёзиш тартиби:
Диссертация бетлари қуйидагича ёзилиши лозим:

Чап томондан - 30 мм
 Юқоридан - 25 мм
 Ўнг томондан - 10 мм
 Пастдан - 25 мм

Ҳар бир қаторга 63-65 тадан ҳарф ёзилади. Жами 27-28 қатор бўлади.
 Бетларнинг рақамлари уларнинг пастки қисми ўртасига қўйилади.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК:

АБДУҚОДИРОВ АКМАЛ АБДУЛЛАЕВИЧ

**ЖАҲОН МОЛИЯВИЙ-ИҚТИСОДИЙ ИНҚИРОЗИ ШАРОИТИДА
ЎЗБЕКИСТОНДА ТУРИСТИК ХИЗМАТЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШ
ИСТИҚБОЛЛАРИ**

5A230401 - “МАРКЕТИНГ” (ТУРИЗМ)

Магистр

академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИ С С Е Р Т А Ц И Я

Илмий раҳбар: доц. С.Р.Сафаева

ТОШКЕНТ-2013

Магистрлик диссертация иши “Сервис” кафедрасининг 2013 йил _____
даги _____-сонли баённомаси билан дастлабки ҳимоядан ўтган.

Кафедра мудири: и.ф.н., доц.Хамидов О.Х. _____

Илмий раҳбар: Илмий раҳбар: доц. Сафаева С.Р. _____

Магистр: Абдуқодиров А.А. _____

Тақризга қўйиладиган талаблар

Магистрлик диссертациясига илмий раҳбар хулосаси ва оппонентлар тақризи олинади. Қуйида уларда акс эттирилиши лозим бўлган масалалар келтирилган.

(Намуна)

Илмий раҳбар хулосаси

1. Диссертация иши мавзусининг долзарблиги.
2. Мақсади, вазифалари қай даражада ёритилгани.
3. Амалий татбиқи даражаси. Натижаларнинг асосланганлиги.
4. Тадқиқотчининг қобилиятига қисқача таъриф.
5. Диссертациянинг университет талабаларининг магистрлик диссертацияси тўғрисидаги Услубий кўрсатма талабларига мослиги.

Оппонентлар тақризи

1. Диссертация иши мавзусининг долзарбдиги.
2. Диссертациядаги асосий илмий хулосалар ва натижанинг далилланиши, янгилигини исботлаб бериш, таҳлил орқали ҳолисона баҳолаш.
3. Бажарилган ишнинг фан ва амалиёт учун аҳамиятлилиги.
4. Диссертация мазмунини, унинг тугалланганлигини баҳолаш.
5. Ишнинг шакл-шамойили, тили ва материал баёни стили.
6. Диссертациянинг университет талабаларининг магистрлик диссертацияси тўғрисидаги Услубий кўрсатма талабларига мослиги.

Изоҳ: Ҳар бир талабанинг магистрлик диссертацияси оппонент ва ташқи экспертлар томонидан юқоридаги кўрсаткичлар бўйича алоҳида-алоҳида баллар билан баҳоланади. Кўрсаткичлар баҳолангандан сўнг жами рейтинг баллари ҳисобланиб, йиғинди аниқланади. Оппонент ва ташқи эксперт баллари йиғиндисининг ўртача арифметик миқдори аниқланади. Ташқи экспертнинг қўйган баҳоси 28 балдан кам бўлган ҳолда иш ҳимояга қўйилмайди. Давлат имтиҳон комиссияси аъзолари қўйган баллар билан биргаликда талабанинг магистрлик диссертацияси бўйича умумий бали чиқарилади. 56 балдан паст кўрсаткичга эга бўлган магистрлик диссертациялари қайтадан ҳимоя қилинади.

Эслатма

Магистрлик диссертацияларига асосий талаблар

1. Танланган мавзунинг долзарблиги, ҳозирги иқтисодий ўсиш асосларини ёритиш Ўзбекистон Республикаси Қонунлари ва Президент асарлари, Фармонлари, Қарорларидан шу мавзу бўйича атрофлича фойдаланганлиги;
2. Ишнинг барча талаблар асосида шаклан тўғри расмийлаштирилганлиги;
3. Мундарижада мавзунинг ёритиш бўйича бўлим ва сарлавҳаларнинг билимдонлик билан тузилганлиги, мавзунинг тўла ва атрофлича ёритилганлиги, бетлар қўйилганлиги;
4. Диссертация кириш қисмида бажарилган ишнинг қисқача мазмунининг ифода этилиши, мақсад ҳамда вазифаларнинг лўнда тузилганлиги, улар асосида эришган натижаларнинг қисқа мазмунининг келтирилганлиги;
5. Матнида сарлавҳалар (параграфлар)нинг ҳажмини тенг миқдорда тақсимланганлиги, матннинг илгари бажарилган диссертация ишлардан ёки адабиётлардан сўзма – сўз кўчирилмаганлиги;
6. Адабиётлар, шу жумладан илмий диссертацияларда муайян мавзунинг ривожланиш йўналишлари таҳлилининг мавжудлиги;
7. Диссертация матнида бошқа муаллиф фикри келтирилганда ўша бетда албатта ишора (ссылка) қилинганлиги, шунингдек ўзга манбалардан олинган жадваллар, расмларга ҳам ишора белгиланганлиги;
8. Хулоса ва тақлифларнинг илмийлиги, лўнда ва равон ифода этилганлиги ҳамда ҳисоб-китоблар билан асосланганлиги;
9. Ички ва ташқи тақризларнинг билимдонлик билан ёзилганлиги, ишнинг ижобий ҳолатларини санаб ўтганлиги, камчиликларнинг кўрсатилганлиги, ишнинг баҳоланганлиги;
10. Адабиётлар рўйхатининг тўғри тузилганлиги, янгилиги, интернет маълумотларининг мавжудлиги ва улардан тўлиқ фойдаланганлиги.

**“МАРКЕТИНГ (ТУРИЗМ)” МУТАХАССИСЛИГИ БЎЙИЧА
МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯЛАРИ НАМУНАВИЙ МАВЗУЛАРИ**

1. Меҳмонхона хизматлари маркетинги ва уни такомиллаштириш.
2. Маданий туризмнинг ривожланиш босқичлари.
3. Минтақавий туризм бозори имкониятлари таҳлили.
4. Мамлакатни модернизациялаш шароитида Ўзбекистон туризм бозорида маданий туристик ресурслардан самарали фойдаланиш.
5. Иқтисодийни модернизациялаш шароитида Ўзбекистон меҳмонхона хизматлари бозорида ахборот технологияларидан фойдаланишни такомиллаштириш.
6. Туристтик корхоналарнинг маркетинг тадқиқотлари ва концепцияси.
7. Туризмни ҳудудларда ривожлантиришнинг аҳамияти.
8. Ўзбекистондаги маданий туризмни ривожлантириш истиқболлари.
9. Меҳмонхона ва ресторанлар фаолиятини ташкил қилиш ва бошқарув услублари
10. Туристтик корхоналар фаолиятини ривожлантиришда бизнес режанинг аҳамияти.
11. Туристтик корхоналарнинг маркетинг хизматларини такомиллаштириш йўллари.
12. Фарғона вилоятида туризм тармоғини ривожлантириш истиқболлари.
13. Миллий иқтисодий шаклланишида туризм ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари.
14. Ўзбекистонда миллий туризмни ривожлантиришда тарихий ёдгорликларнинг аҳамияти.
15. Миллий туризмни ривожлантиришда туристик маҳсулотлар рекламасини ташкил этиш.
16. Туристтик маҳсулотларни такомиллаштиришда маркетинг тадқиқотларини ташкил этиш.
17. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида миллий туризмни ривожлантириш стратегияси.
18. Ўзбекистонда халқаро туризмни ривожлантириш имкониятлари ва истиқболлари.
19. Турмаҳсулотни рақобатбардошлиги оширишни йўллари
20. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида авиатранспорт хизматларини такомиллаштириш ва туризм соҳасига таъсири
21. Туризмни ривожлантиришнинг асосий жиҳатлари ва унинг давлат томонидан тартибга солиниши
22. Туристтик хизматларга бўлган талаб ва таклифни ўрганиш
23. Ўзбекистонда туризмни ривожлантиришнинг минтақавий хусусиятлари
24. Ўзбекистонда халқаро туризм бизнесини ривожлантириш йўллари.
25. Миллий туризм ривожланишида туристик хизматлар сифатини такомиллаштириш йўллари.
26. Миллий туризм шаклланишида ривожланган мамлакатларнинг туризм

моделларидан фойдаланиш.

27. Туризмда сегментлаш – энг истиқболли мақсадли бозорни танлаш воситаси сифатида
28. Меҳмонхона хизматларини самарадорлигини оширишда талабни таҳлил қилиш ва башорат қилиш йўллари
29. Жаҳон молиявий иқтисодий инқироzi даврида ресторанларда хизмат кўрсатиш ва сервис хизматларини такомиллаштириш йўллари
30. Ўзбекистонда туризмни ривожлантиришда ижтимоий соҳани такомиллаштириш муаммолари
31. Ижтимоий туризмнинг Америка Кушма Штатларида ривожланиши ва унинг тажрибасидан фойдаланиш
32. Ўзбекистонда маданий туризм масканлари ва уларнинг туризмдаги тутган ўрни
33. Ўзбекистонда ресторан бизнесини ривожлантириш истиқболлари ва муаммолари
34. Сервис соҳасида кадрларни тўғри танлаш ва уларни қайта тайёрлаш муаммолари.
35. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi шароитида овқатлантириш индустриясини ривожлантириш муаммолари ва такомиллаштириш йўллари
36. Туризм соҳасида маркетинг концепцияси ва уни меҳмонхона хўжалигида қўллаш
37. Туризмда рекламанинг аҳамияти ва уни бошқариш.
38. Янги туристик маршрутларни ишлаб чиқиш ва лойиҳалаштириш.
39. Сервис соҳасида сифатни оширишда туристик ресурсларнинг аҳамияти.
40. Туристик хизматлар маркетинги ва унинг ўзи хос жиҳатлари.
41. Туристик фаолиятни ташкил қилишда темир йўл транспортининг аҳамияти.
42. Туристик автобуслар хизматларини такомиллаштириш йўллари.
43. Ўзбекистонда экологик туризмни ривожлантириш истиқболлари.
44. Умумий овқатланиш корхоналари самарадорлигини оширишнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш
45. Республикамизда иқтисодиётни модернизациялаш шароитида ресторан хизматларини ташкил этиш ва бошқариш
46. Туристик хизматлар бозорида маркетинг стратегиясини такомиллаштириш ва маҳсулотлар ҳажмини башоратлаш
47. Кескин рақобат шароитида ресторан бизнесини ривожланишига талаб ҳамда таклиф омилларининг таъсирини ўрганиш ва таҳлил этиш
48. Маркетинг ва уни глобаллашув шароитида Ўзбекистон туризмидаги аҳамияти.
49. Ўзбекистон туристик маҳсулотига истеъмолчиларни жалб қилиш ва мойиллигини ошириш йўлида диверсификациялаш зарурати
50. Экотуризм ресурслари ва улардан туризм соҳасига оқилона фойдаланиш усуллари.

